

ЗАМОН ВА МАКОН ТАНЛАМАС АСАР...
(Композитор Ф.Амировнинг “Минг бир кеча” балети мисолида)

Тўраева Чарос Неъматовна
Жиззах Давлат педагогика институтининг
2 курс магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада буюк Озарбайжон композитори Фикрет Амиров ижоди юзасидан фикр ва мулохазалар баён этилган. Юксак истеъдод соҳибининг энг машҳур асарларидан бири – “Минг бир кеча” балети тўғрисида маълумотлар келтирилади ва қиёсий жиҳатдан назарий таҳлил этилади.

Калит сўзлар: опера, балет, муғом, либретто, симфоник муғом, симфоник поэма, сюита, каприччио, романс, фортепиано коцерти, соната, мусиқали комедия фортериано учун пьеса, драматик спектакл.

*“Мусиқали комедия театрнинг
очилиши муваффақиятли ишдир.
Фикретнинг муваффақиятли ишидир.
Фикретнинг муваффақияти самарасидир”.*
Узеир Ҳожибеков

Барчамизга маълумки, мусиқа санъати ўзининг ажиб сир-синоати ва сеҳри билан кишини ўзига жалб этади. Инсоннинг ҳиссий кечирмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товушлар изчиллиги воситасида руҳий ҳолатларини ифодаловчи муайян мусиқий-образларни акс эттиради. Шахсининг иродавий сифатларини ва ҳолатларини ифодаланиши билан бирга эстетик завқ беради. Мусиқа инсон маданиятида ва жамоавий ҳаётида ўзига хос аҳамиятга эга. Ушбу санъатнинг услублари ҳам мусиқий тафаккур тарзи, оҳанг, ритм, шакл каби мусиқий унсурларни ўзига қамраб олиб, муайян бир давр ёки миллий маданиятга мансуб бўлган турли жанрдаги умумияти яни ифодалайди.

Ижод соҳаси вакиллари хусусан композиторлар ҳам мусиқа ва бошқа санъат турлари қоришмасидан фойдаланиб чуқур фалсафага эга бўлган мусиқий асарлар яратади. Шу аснода, мусиқа санъатининг мураккаб жанрларидан бири ҳисобланган ўзида бир неча санъат турларини ўз ичига олган нафис ва бетакрор балет ижодиёти тўғрисида тўхталмоқчимиз. Мусиқий хореографик образлар воситаси билан ифодаланадиган йирик сахна санъати композиторлик соҳаси вакиллари ижодида намоён бўлади. Диққат марказингизга ушбу ижодиёт борасида ижод этган шарқнинг атоқли композитори Фикрет Амировнинг “Минг бир кеча” балети хусусида фикр юритмоқчимиз.

Буюк озарбайжон композитори, Озарбайжон давлат мукофоти лауреати, Озарбайжон ва бутун иттифоқ халқ артисти, профессор Фикрет Машади ўғли Амиров (1922-1984) ўзининг бадий мукамал мусиқий асарлари билан озарбайжон мусиқа санъати тараққиётига балки, қардош халқлар мусиқа маданиятига салмоқли

таъсир кўрсатди. Унинг ижодий мероси Озарбайжон миллий мусиқасининг гултожи ҳисобланган муғом ва миллий мусиқа санъати намуналари негизини ташкил қилади. Юксак истеъдод соҳиби ўзининг ҳар бир асарига қалбни майин торларини асталик билан чертадиган халқ мусиқасига асосланган оригинал мавзуларни баён этадики, киши беихтиёр ушбу мусиқий оҳангларнинг чинакамига асири бўлиб қолади. Ижодкорнинг беғубор қалби ила яралган ҳар бир асар тингловчини фалсафий ўй-хаёлларга ундаши табиий. Чунки, бадий мукамал асарлар кишини мафтун этадиган ўзига ҳос сеҳри бор. Буни албатта қалби пок инсонгина тушуна билиш бахтига сазовор бўлади.

Фикрет Амиров XX-аср мусиқа санъатида ўзининг мусиқий асарлари билан бутун дунёга маълум ва машҳур. Унинг сеҳрли қаламига мансуб опера, балет, симфония, симфоник поэма, симфоник муғам, сюита, каприччио, фортепиано коцертлари, соната, мусиқали комедия, кўшиқ, романс, фортепиано пьесалари, драматик спектакллар ва кинофильм учун мусиқа каби мусиқий жанрларда ижод этди. Композитор ижодига мансуб, лирик-психологик “Севил” операси, “Минг бир кеча” балети, “Шур”, “Курд овшари”, “Гулистон-Баёти шираз” симфоник муғамлари, катта симфоник оркестр учун, “Озарбайжонча каприччио” торли оркестр учун “Низомий” фалсафий симфонияси каби асарлар муаллифидир. Араб ва албан мавзулари асосида фортепиано ва оркестр учун коцертлари киши қалбига ўзига ҳос ором баҳш этади. Бир қатор драма ва кинофильмлар учун мусиқалар ёзган. Фикрет Амировнинг ижодиётидаги илк тажрибалардан бири ҳисобланган симфоник муғомлар замирида Озарбайжон ва бошқа шарқ халқларининг бирдамлилиқ ва дўстлик кўприклари каби инсоний ғоялар ўз аксини топган.

Юксак истеъдод соҳиби Фикрет Амировнинг ижодида балет жанри алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса уни бутун дунёга машҳур қилган “Минг бир кеча” балети ҳанузгача мусиқа ихлосмандларининг севимли асарига айланди. 1979 йилда ёзилган ушбу балет 2 пардали бўлиб (М.Ибрагимбеков, Н.Назирова ва Р. Ибрагимбеков либреттоси) шарқнинг машҳур “Минг бир кеча” эртак туркуми асосида яратилган. Барчамизга маълумки, “Минг бир кеча” эртак туркуми ўрта аср араб адабиётининг ёдгорлиги бўлиб XV асрда араб тилида таркиб топган эртаклар тўпламидир. Балет сюжети ҳам араб эртагига асосланган бўлиб, унда шоҳ Шаҳриёр ўзининг ёш рафиқасини бегона киши билан кўриб қолади. Шунинг учун шоҳ Шаҳриёр уни ва унинг мамлакатидаги барча ёш аёлларни жиддий жазолашга қарор қилади. Ақл заковатли ва гўзал Шаҳрезада эса шоҳнинг юрагини юмшатиш мақсадида қадимги афсона ва ривоятларни унга айтиб беради. Шундай қилиб, у қадимги шарқ халқларининг эпосидан турли воқеаларни минг бир кеча гапиради. Воқеалар бирма-бир шоҳ Шаҳриёр кўз олдида намоён бўлади .

“Минг бир кеча” балетида кишини ўзига сеҳрлайдиган унсур бор. Бу балетнинг мусиқасидир. Шарқона мусиқа ифори ила суғорилган бу балетнинг ҳар бир мусиқаси шарқ оламидаги эртакларнинг образларидан сўзлайди. Мусиқий тембр аниқ ва равшан танланганки, буни биз балетнинг оркестровкасида ҳам яққол кузатишимиз мумкин. Балет яратиш композицияси қонуниятларига тўла-тўқис мос келади. Ушбу балетни композитор рафиқаси Аидехонимга бағишлаган. 1979 йилда Озарбайжон опера ва балет театрида “Минг бир кеча” балетини дастлаб хореограф Наила Назирова сахналаштирилган. Ўзида санъатнинг драматургия, мусиқа,

хореография, тасвирий санъат каби санъат турларини уйғунлаштирадиган балет санъати сахнадаги воқелик мусиқа жўрлигида хореографик ҳаракатлар асносида гавдаланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб балет яратишда сахна ҳаракатларининг мусиқа билан бевосита алоқадорлиги касб этиши лозим.

Балетда икки асосий шоҳ Шаҳриёр ва малика Шахерезада образлари устуворлик қилади. Ушбу балетдаги “Синдбода-денгизда”, “Рух қуш ҳақида” “Аловуддин ва малика Будур”, “Али-бобо ва қирқ қароқчи” каби воқеаларни ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Оммавий сахналаштирилган сахнавий рақслар айниқса “Камончилар рақси”, “Бағдод бозори” “Аёллар илтижоси” каби мусиқий рақслар балетга ўзига хос жозибадорлик касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур балетдаги мусиқий намуналар шарқона услубда аксарияти иккиланма гармоник лад негизида партитурада акс этган. Ҳар бир қаҳрамоннинг бадиий образ қиёфасини гавдалантиришда композитор томонидан ёндашилган ушбу услуб қолаверса шарқ халқларига хос анъана ва урф-одатларни муҳим омили сифатида хизмат қилади. Мусиқий матони тинглар эканмиз шарқ эртақларига тушиб қолгандай ҳис қилиши табиий. Бу ҳолатни “Минг бир кеча” балетини кириш қисмиди ҳам кузатиш мумкин.

Дарҳақиқат, Фикрет Амиров қаламига мансуб “Минг бир кеча” балетидagi интродукция қадимги шарқ эртақларини бирма-бир хикоя қилади. Юқори регистрдаги садоланаётган оханг баён этилаётган эртақларнинг нақадар сирлилигидан далолат бериши билан бирга балетга кириш вазифасини бажаради. Дастлабки кириш мавзуси маримба чолғусида бошланиб торли чолғулар бу чолғуга жўр бўлади.

Lento - Amore $\text{♩} = 56$

The image shows a musical score for a piece titled "Lento - Amore" with a tempo marking of $\text{♩} = 56$. The score is written for a piano and a vocal part. The piano part consists of two staves: the upper staff is in treble clef and the lower staff is in bass clef. The key signature has two flats (B-flat and E-flat), and the time signature is common time (C). The piano part begins with a dynamic marking of *mf* and later changes to *f espressivo*. The vocal part is written on a single staff in soprano clef, with the label "Soprani" at the bottom left. The score includes various musical notations such as notes, rests, and slurs.

Шундан сўнг, симфоник оркестрнинг бошқа чолғулари бирин-кетин қўшилади ва аёллар хор жамоасини лирик характердаги мусиқий мавзунини ижро этади.

Фикрет Амировнинг шоҳ асарларидан бири бўлган “Минг бир кеча” балети ана шу қонуниятлар ва талаблар асосида яратилганлигига шубҳа йўқ. Барча муסיқий ифода воситалари, чолғуларнинг ўзаро муносабати, лейтмотив мавзуларнинг аниқ ва равлонлиги, ўйчан фалсафий мушоҳадага чорлаши билан шарқда яратилган балетлар ичида ажралиб туради. Композитор балет композициясини яратишда қаҳрамонларнинг муסיқий тилидан келиб чиқиб муסיқий партитурага мато тўқиган. Образ қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир қаҳрамоннинг характер хусусиятини ўрганиб унинг муסיқий нутқини баён этади. Муסיқа билан сахнавий ҳаракатлар бир бирига унғунлашган ҳолда тингловчининг диққат марказида намоён бўлади.

XX асрда ўзининг оргинал асарлари билан муסיқа санъатига кириб келган атоқли Озарбайжон композитори Фикрет Амировнинг “Минг бир кеча” балети ўсиб келаётган ёш авлодни муסיқий эстетик салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳозирги айни даврда ижод соҳасида тинмай изланиб келаётган композиторлар учун ушбу балет муסיқий тафаккур ва бадий дидни тарбиялаш билан бир қаторда ўзига хос миллий анъана ва кадрятлар негизида муסיқий асарлар яратишга яқиндан ёрдам бериши шубҳасиз. Дарҳақиқат, келгусида миллий композиторларимиздан халқимизни маънавиятини янада ривожлантиришга шу билан бирга муסיқий эстетик дидни тарбиялашга хизмат қиладиган баркамол муסיқий асарлар яратилишига ишонч билдирамыз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Амиров Ф. “Тысяча и одна ночь” клавир Москва, 1983. -б.3.
2. Амиров Ф. Тысяча и одна ночи. Всесоюзная фирма грампластинок. «Мелодия», стерео, ГОСТ 5289-80, 1983, -б 2-3.
3. Amirov F. Bibliografiya. Bakı, 2012. -b11-15.
4. Умаров А. Бекмуродов М. Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2015. -б.45
5. <http://www.azeri.ru>, <http://www.photo.azuni.net>.